

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ВА УЛАРГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ.

*Мирзаикромова Фотимахон Мирзаакбар қизи
ИИВ Академияси 3-ўқув курси
312-гурух курсанти.*

Аннотация: Ушбу мақола орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасида экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хослиги, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар хамда профилактика инспекторининг экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ёритилиб, мамлакатимизда ушбу ҳуқуқбузарликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Экология, ҳуқуқбузарлик, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика.

Аннотация: Посредством данной статьи раскрываются сущность экологических правонарушений при предупреждении преступлений, причины возникновения данного вида преступлений и условия, сделавшие их возможными, а также деятельность инспектора по профилактике преступлений в сфере экологии. Выделены и показаны меры, направленные на предотвращение этого преступления в нашей стране.

Ключевые слова: Экология, преступность, преступность в сфере экологии, предупреждение преступности, профилактика.

Annotation: Through this article, the nature of environmental violations in the prevention of crimes, the causes of this type of crimes and the conditions that made them possible, as well as the activities of the prevention inspector in the prevention of crimes in the field of ecology, are highlighted, and measures aimed at preventing this crime in our country are shown.

Key words: Ecology, crime, crime in the field of ecology, crime prevention, prevention

Бугун мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни асраб-авайлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Конституциямизда атроф-мухитга бўлган муносабатларни тартибга солишнинг фундаментал негизи мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу борада йигирмадан ортиқ муҳим қонунлар хамда юзлаб қонуности норматив хужжатлар ҳаётга татбиқ этилди, қатор халқаро хужжатлар ратификация қилинди.

Ўзбекистонда атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг халқаро принципларидан келиб чиқкан ҳолда, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган демократик ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-харакатларини уйғулаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Экологик хукуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаси жамиятда экологик онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришдан иборат. Мамлакатда ушбу жараённи ташкил этиш кўламидан келиб чиқкан ҳолда мазкур вазифаларни янада кенгайтириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларида юртимизда экологик хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда хукуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Шунингдек, атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун хужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-мухитни муҳофаза қилиш концепцияси қабул қилинди. Концепция доирасида тизимли равишда тегишли “йўл хариталари” ва давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Бироқ, экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек хукуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти. Жамиятда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш соҳасида, ер, сув ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши

борасида экологик хуқуқбузарликлар содир этилмоқда, улар сонининг ошишиб бориши эса экологик барқарорликка путур етказмоқда.

Ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги экологик хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этади.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги назорат табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларига риоя этилишини таъминлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга, республикада, шу жумладан, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда назорат тадбирлари ўтказилишини чеклаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ, ваколатли давлат органлари томонидан олиб борилаётган назорат тадбирлари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига дахл қилмаслигини ҳисобга олганда, давлат органининг назорат функцияларини бундай чеклаб қўйиш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сифатига салбий таъсир қилиши мумкин.

Инсон хаёти давомида, шунингдек хўжалик фаолиятини оқилона ташкил этиш ва бошқаришда қонунчилик ҳужжатларни билиши, уни ҳисобга олиши ҳамда унга амал қилиши лозим. Бироқ, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда кенг кўламли тарғибот фаолиятини ташкил этиш ишларини кучайтириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига мораторий институти жорий этилган. Лекин, бугунги кунда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига мораторий институтини мақбул даражада ишлайпти, деб баҳолай олмаймиз.

Сабаби, сўнгги вақтларда дараҳтларнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ ҳолатлар кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эътиrozларини келтириб чиқармоқда. Жумладан, 2021 йил ўтган даври мобайнида электрон оммавий ахборот воситаларида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтлар кесилишига доир 50 га яқин материаллар эълон қилинган.

Хусусан, ҳозирда Сурхондарё вилоятининг Денов туманида “Денов туман йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси томонидан 109 та, Бўстонлик туманидаги “Амирсой” қўшма корхонасига тегишли курорт зонаси ҳудудини ва унга олиб борувни йўлни кенгайтириш мақсадида 700 та дараҳт ноқонуний кесиб ташланганлиги кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу воқеилик ўсимлиқ дунёси муҳофазаси борасида экологик хуқуқбузарликка биргина мисол эди, холос. Афсус, бугунги қунда атроф-муҳит муҳофазасининг бошқа йўналишларда ҳам аксарият ноқонуний ҳаракатларнинг ўз вақтида олдини олиш чоралари мавжуд бўлган бўлса-да, ваколатли давлат органининг жойлардаги сектор раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигига олиб бориладиган чора-тадбирларга етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги сабабли ҳам экологик қонунбузарлик ҳолатлари давом этмоқда.

Экологик хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда бу бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-хуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида қўйидагилар тавсия этилади:

фуқароларнинг экологик ва табиий ресурслардан оилона фойдаланиш борасидаги хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, шу жумладан бу борада аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

экологик хуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали экологик хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг

самарадорлигини ошириш;

хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг мукаммал иш шакли ва услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш;

жамоатчилик экологик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;

экологик ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идораларо дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инобатга олинишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактиkasiga fuқarolap va жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини тақомиллаштириш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, экологик ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Энг аввало, ўзимиз, оила аъзоларимиз ва табиат ва жамият олдидағи масълулиятни доимо ҳис қилиб яшаш, атрофдаги ҳодисаларга бепарволик билан муносабатда бўлмаслик, табиат неъматлари қадрига етиб яшаш барчамизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 7 дек.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2017. — 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик □ ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. — Т.: «Ўзбекистон», 2017. — 104 б.
4. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 64 б.